
ФАРҒОНАДА БЎЛИБ ЎТГАН “ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ФОРУМИ - 2021” ҲАФТАЛИГИ ХАЛҚ САЙЛИГА АЙЛАНДИ

Бугун Фарғона туманидаги Отчопар ўйингоҳида “Ўзбекистон ёшлар форуми-2021” тадбирлари ташкил этилди. Унда айниқса, “Жамоавий улоқ” кўпқари мусобақасининг Республика босқичи кўпчилиқ диққат-эътиборида бўлди.

Тадбирнинг очилиш маросимида вилоят ҳокимининг ўринбосари Файзулла Қосимов, Улоқ-кўпқари республика федерацияси раиси Набижон Жўраев, Миллий гвардия Фарғона вилояти бўйича бошқарма бошлиғи Шавкат Акбаровлар иштирок этдилар.

Сўз олганлар ёшлар билан ишлашда “Фарғона тажрибаси” муваффақиятли амалга оширилаётганлигини қайд этиб, давлатимиз раҳбари томонидан ушбу йўналишда қўйилган вазифалар ижроси юзасидан олиб борилаётган амалий ишлар ҳақида тўхталиб ўтдилар.

От спорти турларини янада ривожлантириш, янги авлод чавандозларини тайёрлаш ва тарбиялаш, ёшлар ўртасида от спортини фаол тарғиб қилиш ва оммалаштириш мақсадида Президентимизнинг тегишли қарори асосида 2022 йил март ойидан Фарғонада ҳам Чавандозлар мактаби ўз фаолиятини бошлаши маълум қилинди.

Шундан сўнг вилоятимиздаги таниқли санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури, Мамасиддиқ Шираев бошчилигидаги сўз усталарининг аскиялари, ҳарбийлар ва ёшлар томонидан тайёрланган кўргазмали чиқишлар барчага кўтаринкилик улашди.

Жамоавий улоқ-кўпқари мусобақасининг Республика босқичи минтақавий босқичларда ғолиб бўлган Самарқанд, Навоий, Тошкент ҳамда Андижон жамоалари беллашувида андижонликлар ғолиб бўлдилар.

Форум доирасида белбоғли кураш бўйича 2003-2005 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида вилоят очиқ биринчилиги бахслари ҳам ўтказилди. Унда 80 нафардан зиёд фарғоналик спортчилар ғолиблиқ учун кураш олиб боришди.

Комондан ўқ узиш мусобақасида эса ёшлар мерганлик маҳоратларини намойиш этишди. Арқон тортиш ўйинлари, дор ўйинлари ҳам қизиқарли таассуротларга бой бўлди. Шунингдек, 19 та шаҳар-туманлардан келган ёш ошпазлар танлови ташкил этилди.

Яқунда ҳар бир йўналишда ғолиб ва совриндорлар вилоят ҳокимлиги, мутасадди идоралар ва ҳомийлар томонидан кубоклар, медаллар, қимматбаҳо эсдалик совғалари ҳамда дипломлар билан тақдирландилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-12-23 12:03:40